

**“Кўкон ёғ-мой” Акциядорлик Жамияти**  
**Акциядорларининг 2022 йил якунларига бағишланган**  
**Йиллик Умумий Йиғилиши**  
**БАЁНИ.**

Йиғилиш ўтказилган сана: 26.06.2023 йил

Йиғилиш ўтказилган вақт: соат 14-00

Йиғилиш ўтказилган манзили: Кўкон шаҳри, Маворауннаҳр кўчаси 84 уй.

Жамиятнинг овоз берувчи акциялари умумий сони - 1 392 490 дона;

Жамиятнинг рўйхатга олинган овозлар сони- 1 279 090 дона

Умумий йиғилиш кворуми- 91,86 %

**Қатнашдилар:**

№ т/р	Ф.И.Ш.	Акциядорнинг номи	Акциялар сони, дона	Улуши, (%)
1.	Тўлкинов Д.Т.	Давлат Активларини Бошқариш Агентлигининг ишончли вакили	461610	33,150
2.	Садирдинов Ж.М.	ИП ООО “DEMORET FINANCE” Компанияси вакили	568820	40,849
3.	Эргашева Г.П.	Жисмоний шахс, акциядор	40	0,003
4.	Бабаджанов Д.Т.	Жисмоний шахс, акциядор	30	0,002
5.	Норходжаев И.	Жисмоний шахс, акциядор	10	0,0007
6.	Азимова Г.У.	Жисмоний шахс, акциядор	20	0,001
7.	Маматқулов Р.Х.	“OIL WORLD IMPEX” МЧЖ нинг директори	248560	17,850
	<b>ЖАМИ:</b>		<b>1 279 090</b>	<b>91,86</b>

**Йиғилиш раиси:** Д.Т.Тўлкинов– Жамиятнинг 33,15 фоиз акцияларига эгалик қилувчи - Давлат активларини бошқариш агентлигининг ишончли вакили.

**Йиғилиш котибаси:** Г.П.Эргашева

“Кўкон ёғ-мой” акциядорлик жамияти акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига қуйидаги масалалар киритилди:

1. 2022 йилда жамиятда корпоратив бошқарув тамойилларига риоя қилиниши юзасидан Кузатув кенгашининг ҳисоботи ва қабул қилинган қарорларини тасдиқлаш.

2. 2022 йилда жамият бизнес-режасининг бажарилиши ва молия-хўжалик фаолияти натижалари юзасидан жамият бошқарув раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.

3. 2022 йил якуни бўйича жамиятнинг бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоб варағини тасдиқлаш.

4. Ташқи аудитор хулосасини тасдиқлаш.

5. 2022 йил якуни бўйича жамият соф фойдасини тақсимлаш.

6. 2023 йил учун жамият Бизнес-режаси ҳамда даромад ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.

7. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

8. Жамият бошқаруви аъзоларини сайлаш.

9. Жамият бошқаруви раисини ваколатини узайтириш ёки муддатдан олдин тугатиш.

10. Жамиятнинг 2023 йил молия-хўжалик фаолияти учун ташқи аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг миқдорини белгилаш.

11. Жамият фаолиятига Корпоратив бошқарув кодекси хулосасини хабар бериш шаклини тасдиқлаш.

12. 2016-2017-2018 йиллар якуни бўйича ҳисобланган дивиденд тўловларини талаб қилиб олинмаган қолдиқ қисмини жамият фойдасига олиш масаласини кўриб чиқиш тўғрисида.

### Сўзга чиқдилар:

Йиғилишда қатнашган “Кўкон ёғ-мой” акциядорлик жамияти акциядорлари томонидан йиғилиш раиси этиб бир овоздан Давлат активларини бошқариш Агентлигининг ишончли вакили Д.Т.Тўлқиновни сайлашди.

Йиғилиш раиси Д.Т.Тўлқинов навбатдаги йиллик умумий йиғилишига келган акциядорларни рўйхатга олиш натижалари билан таништириш учун сўзни санок комиссиясининг раисига берди.

Санок комиссиясининг раиси йиғилишда умумий 1 392 490 та овозга эга бўлган 1127 та акциядорлардан 1279090 та овозга эга бўлган 7 та акциядорлар катнашаётганлигини маълум қилди. Бу умумий овозлар сонининг 91,86 % ини ташкил қилади. Қонунчиликда белгиланган тартибга асосан кворум мавжудлиги сабабли умумий йиғилишни очиш бир овоздан маъқулланди.



Йиғилиш раиси, Д.Т.Тўлқинов йиғилишда жамият Кузатув кенгаши, ижро органи аъзолари ҳам иштирок этишадиганлигини айтиб, йиғилиш раёсатини, котибиятини ва санок комиссиясини сайлаб олишни таклиф этди.

Жамият акциядори Д.Бабаджанов йиғилиш раёсатини 4 кишидан иборат таркибда сайлашни ва раёсатга жамият акциядори Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили Д.Т.Тўлқинов, СП ООО «Demoret Finance» вакили Э.И.Наров, “OIL WORLD IMPEX” МЧЖ нинг директори Р.Х.Маматкулов ва бошқарув раиси К.И. Артиковларни сайлашни таклиф қилди. Йиғилиш катнашчилари томонидан раёсат аъзолари бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилишда билдирилган таклиф ва мулохазаларни қайд қилиш ва йиғилиш баёнини юритиш учун йиғилиш котибиятига Г.П.Эргашевани бир овоздан тасдиқланди.

Жамият Кузатув кенгашининг 30.05.2023 йилдаги мажлисида Х.Азимов, М.Юсупова ва Н.Қурбоновалардан иборат умумий йиғилиш санок комиссияси ташкил этилган эди. Санок комиссияси аъзоларининг сони ва комиссиянинг ушбу шахслардан иборат таркибини тасдиқлаш масаласи овозга қўйилди ҳамда бир овоздан маъқулланди.

Йиғилиш раиси кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган кун тартибини эълон қилди ва умумий йиғилишнинг қуйидаги регламентини таклиф қилди. Кун тартибидаги масалалар бўйича асосий маърузачи К.И.Артиковга 20 дақиқагача, қолган масалалар бўйича маърузачиларга 10 дақиқагача ва музокараларда сўзга чиқувчиларга ҳам 5 дақиқагача вақт беришни, йиғилишни танафуссиз 2 соат ичида яқунлашни таклиф қилди ва ушбу таклиф йиғилиш катнашчилари томонидан мақулланди.

**Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишга ўтилди.**

Кун тартибидаги **1-масала** юзасидан йиғилиш раиси Д.Т.Тўлқинов ҳисобот берди.

Д.Т.Тўлқинов жамият Кузатув кенгаши томонидан ҳисобот йилида чақирилган ва ўтказилган акциядорлар умумий йиғилишлари, кенгаш мажлислари, уларда қўрилган масалалар, қабул қилинган қарорлар тўғрисида тўхталиб ўтди. Шунингдек маърузачи томонидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ўз вақтида бажариш мақсадида Кузатув кенгаши томонидан кенгашнинг йиллик иш режаси тузилганини, чора ва тадбирлар ишлаб чиқилганини, кенгаш номига тушган хатлар ва мурожаатларга ўрнатилган тартибда, ўз вақтида жавоблар берилгани ҳам айтиб ўтилди. Ҳисоботчи томонидан жамият акциядорларининг умумий йиғилишини чақириш, уни

ўтказиш бўйича Кузатув кенгаши йиғилишларида тегишли қарорлар қабул қилинганлиги таъкидлаб ўтилди.(маъруза матни илова қилинади)

Муҳокамадан сўнг “кузатув кенгашининг ҳисоботи ва 2022 йилдаги қарорлари тасдиқлансин”, деган таклиф овозга қўйилди.

Йиғилиш раиси Д.Т.Тўлкинов кун тартибидаги **2-масала** юзасидан ҳисобот бериш учун сўзни жамият бошқаруви раиси **К.И. Артиковга** берди.

Бошқарув раиси К.И.Артиков жамиятнинг 2022 йил молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича йиғилиш қатнашчиларига батафсил маълумотлар келтириб, ҳисобот берди. Корхонанинг фаолият кўрсатиши учун асосий хом-ашё-пахта техник чигити ҳисобланади. Пахта техник чигитини очиқ биржа савдоларидан олинган ҳудуд бўйича, Республикамизнинг турли вилоят ва туманларидан пахта тозалаш корхоналаридан келтирилади.

Ҳисобот 2022 йилда тасдиқланган бизнес-режада **50000** тонна техник чигитни қайта ишлаш белгиланган бўлса, **29900** тонна техник пахта чигити қайта ишланди. Натижада **8943** тонна рафинацияланган мой, **2683** тонна хўжалик совуни, **13395** тонна пахта кунжараси ва **9478** тонна шелуха маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

2022 йилда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича ўтган 2021 йилга нисбатан ўсиш суръати **84,89** фоизни, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми **93,37** фоизни ташкил этди.

Корхонада 2022 йил давомида истеъмол фондига жами **5 085,0** млн. сўм йўналтирилди. Ўртача ойлик иш ҳаққи 2022 йилда **2 097 693** сўмни ташкил этган.

2022 йилда маҳсулотларни сотишдан тушган соф тушум **221 135,1** млн.сўмни, сотилган маҳсулотларнинг таннархи **199 626,7** млн.сўмни, давр харажатлари **11 906,7** млн.сўмни, соф фойда (зарар) эса **-463,1** млн.сўмни ташкил этди.

2022 йилда тасдиқланган бизнес-режа бўйича **1048,0** млн.сўм соф фойда олиш режалаштирилган бўлса, амалда **-463,1** млн.сўм зарар билан яқунланди.

2022 йилда бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга – **13 млрд 027,0 млн сўм** маблағ тўланди.

Жамиятнинг 01.01.2023 йил ҳолатига жами дебиторлик қарзлари **2 163,8** млн.сўмни, кредиторлик қарзлари эса **1 240,8** млн.сўмни ташкил этди.

Ҳисоботчи, шунингдек, жамиятда олиб борилган модернизация ва техник қайта жиҳозлаш ишлари, маҳсулот сифат кўрсаткичлари, мойли экинлар етиштириш, ходимлар малакасини ошириш, улар меҳнатини ижтимоий муҳофаза қилиш, корхона - коллеж ҳамкорлиги, жамият қошидаги ёрдамчи хўжаликлар фаолияти каби масалаларга ҳам тўхталиб ўтди.(маъруза матни илова қилинади)



Муҳокамадан сўнг “Жамият бошқарувининг 2022 йил учун ҳисоботи тасдиқлансин ва қонқарли деб баҳолансин”, деган таклиф овозга қўйилди.

Кун тартибидаги **3-масала** бўйича жамият бош ҳисобчиси **Д.Бабаджановга** сўз берилди.

Маърузачи ҳисобот йили учун тузилган бухгалтерия баланси (форма №1), молиявий натижалар (форма№2) ҳисоботи билан йиғилиш қатнашчиларини қисқача таништирди ва акциядорлардан 2022 йил якунлари бўйича тузилган жамият бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар аудиторлик ташкилоти хулосасига асосан ўзгартирилишини ҳисобга олган ҳолда ҳисоботини тасдиқлашни сўради.

Муҳокамадан сўнг “Жамиятнинг 2022 йил учун бухгалтерия баланси ҳамда фойда ва зарарлар ҳисоб-варағи тасдиқлансин” деган таклиф овозга қўйилди.

Кун тартибидаги **4-масала** бўйича «MUSTAQIL-M» МЧЖ аудиторлик ташкилоти бош директори **М.Назаровга** сўз берилди.

Маърузачи ҳисобот йили учун тузилган бухгалтерия баланси (форма №1), молиявий натижалар (форма№2) ҳисоботи билан йиғилиш қатнашчиларини қисқача таништирди ва йиғилиш қатнашчиларига аудит текшируви хулосасига асосан ўзгартирилишини билдирди, «MUSTAQIL-M» МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан “Қўкон ёғ-мой” АЖнинг 30 май 2023 йил кунги 2022 йилги молия-хўжалик фаолияти бўйича берилган хулоса тасдиқлансин деган қарорга бюллетенлар орқали ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **5-масала** бўйича ҳам ижро органи аъзоси, жамият бош ҳисобчиси **Д.Бабаджановга** берилди ва маърузачи қуйидагиларни айтиб ўтди:

Давлат Активларини Бошқариш Агентлигининг ишончли вакили **Д.Т.Тўлқинов** жамиятнинг 2022 йилда -463 115 000,00 (тўрт юзи олтмиш уч миллион бир юзи ўн беш минг, 00) сўм зарар кўргани муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорларлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 51-моддасига асосан: жамият етарли миқдорда фойдага эга бўлмаганлиги, зарар кўриб ишлаётганлиги сабабли, оддий акцияларга дивиденд тўланмаслиги ҳамда имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамият томонидан ташкил этилган захира фондидан тўланиши билдирилди.

Шундан сўнг **Д.Бабаджанов** ўз маърузасида 2022 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича жамиятимиз -463 115 000,00 (тўрт юзи олтмиш уч миллион бир юзи ўн беш минг, 00) сўмни ташкил қилди.

Жамият Кузатув кенгаши ўзининг 2022 йил 30 майдаги мажлисида қуйидагича тақсимлаш тавсиясини ишлаб чиқди:

Т/б №	Кўрсаткичлар номи	Акциялар сони	1 дона акцияга ҳисобланган дивид. суммаси	Жами ҳисобланган дивиденд суммаси (сўм)	Соф Фойданинг фонз кесимида %
1.	Дивиденд тўловига-жами бўлиб:	Жами: 1 392 490 Оддий акция - 1 390 430 дона Имтиёзли акция -2060 дона	Ҳар бир оддий акция учун 0,00 сўмдан ва ҳар бир имтиёзли акция учун 794,00 сўмдан.	1 635 640	-
2.	КК, ТК ва ИО ни рағбатлантиришга	-	-	-	-
3.	Корхонани ривожлантиришга	-	-	-	-
Ж А М И :		1 392 490	-	1 635 640	-

- жамият акциялари бўйича дивиденд тўловлари учун 0 сўм (ҳар бир оддий акцияга 0 сўм 0 тийин ва ҳар бир имтиёзли акцияга 794 сўм 00 тийин ҳисобда);

- КК, ТК, ИОни рағбатлантиришга –0 сўм

- Корхонани ривожлантиришга – 0 сўм

Ҳисобланган дивидендлар ҳар бир эгаси ёзилган оддий акциялар учун 0 сўм 0 тийин ва имтиёзли акциялар учун 794 сўм 00 тийинни ташкил қилади. Дивидендлар тўлови акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори қабул қилган кундан бошлаб 60 кун ичида, юридик шахслар-акциядорларга ҳисоб-варақларига пул ўтказиш йўли билан, жисмоний шахслар-акциядорларга корхона газнаси орқали нақд пул бериш, пластик карталар, омонат дафтарчалари, акциядорларнинг ёзма аризасига кўра коммунал ва бошқа тўловларга пул ўтказиш орқали амалга оширилади. Сизлардан ушбу тақсимотни тасдиқлаш учун овоз беришларингизни сўрайман.

Муҳокамадан сўнг “2022 йил якунлари бўйича жамият тақсимлаш юқоридаги тартибда амалга оширилсин” деган таклиф овозга қўйилди.

Кун тартибидаги 6-масала юзасидан жамият Стратегик режалаштириш ва ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи И.Назиров сўзга чиқиб йиғилиш қатнашчиларига жамиятнинг 2023 йилга белгилаган бизнес-режаси Кузатув кенгашининг 2022 йил 31-октябрдаги № 2-сонли мажлисида кўриб чиқилиб, жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида тасдиқлаш учун маъқулланган.

2023 йилда биржа савдоларидан олинishi кутилаётган 45 000 тонна пахта техник чигитини қайта ишлаш, 8393 тонна ўсимлик мойлари, бундан 7453 тонна дезодорацияланган ўсимлик мойлари, 6936 тонна кадокланган ўсимлик



мойлари, 20160 тонна камгоссиполли пахта шроти, 14265 тонна шелуха, 1465 тонна хўжалик совуни ва бошқалар, жами – 230,5 млрд. сўмлик ялпи маҳсулот, 124,2 млрд. сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Жамиятда ўртача 481 ходим меҳнат килиб, умумий истеъмом фондига 10,0 млрд. сўм сарфланади, ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 2 622 000 сўмни, меҳнат унумдорлиги 1 кишига 424 минг. сўмни ташкил қилади. Ҳомийликка 300 млн. сўм сарфлаш мўлжалланмоқда.

Давлат Активларини Бошқариш Агентлигининг ишончли вакили Д.Т.Тўлқинов бизнес режа тузиш тартибларига кўра 2023 йил даромад ва харажатлар сметасини тасдиқлаш масаласида тайёрланган бизнес режада соф фойда миқдорини Кузатув кенгашининг йиғилишида танқидий кўриб чиқилганлигини, соф фойдани кўтариш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини ва келажакда яна ҳам юқори фойдаларга эришишни режалаштирилиши, 2023 йилда соф фойдани белгиланишида ҳозирги кунда пахта техник чигитларини кластер тизимига ўтиб кетиши муносабати билан қайта ишлаш натижасида соф фойдани камайиши мумкинлигини инobatта олган ҳолда соф фойда режасини 1050,0 млн.сўм этиб белгиланаётганлигини айтиб ўтди.

Муҳокамадан сўнг **“Жамиятнинг 2023 йил учун бизнес-режаси ҳамда даромад ва харажатлар сметасида соф-фойдани 1050,0 минг сўм режалаштирилсин ва тасдиқлансин”**, деган таклиф овозга қўйилди.

Йиғилиш муҳокамасига киритилган **7-масала** бўйича йиғилиш раиси Д.Т.Тўлқинов қуйидагиларни айтиб ўтди:

“Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 76-моддасига кўра Кузатув кенгаши аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар. Жамият Кузатув кенгашининг миқдор таркиби эса Устав ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади. “Кўкон ёғ-мой” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши аъзолари сони жамият Уставида **9** кишидан иборат сайланиши белгиланган.

Жамият Кузатув кенгаши аъзолигига сайлаш учун кўрсатилган номзодлар тегишли тартибда рўйхатга олиниб, Кузатув кенгашининг 2023 йил 30 май кунидаги № 4-сонли мажлисида кўриб чиқилиши учун бугунги йиғилиш кун тартибига киритилган. Кенгаш аъзолигига сайлаш учун кўрсатилган номзодлар рўйхати қўлларингиздаги овоз бериш бюллетенларининг иловасида келтирилган.

Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2023 йил 9 июндаги 03/09-3-17/2672-сонли, ИП ООО «Demoret Finance» (акциядор) компаниясининг 2023 йил 21 январдаги 23/01-2-сонли ва “OIL WORLD IMPEX” МЧЖнинг 2023 йил 30 мартдаги 01-03-23 сонли хатларига асосан бюллетенга киритилган номзодларга кумулятив овоз беришлари ҳамда ушбу номзодлардан энг кўп овоз олган **9** (тўққиз)гаси кузатув кенгашига сайланишини айтиб ўтди ва ушбу номзодлар билан таништирди:

№	Номзоднинг Ф.И.Ш.	Номзодни таклиф этган акциядор номи ва акцияларнинг миқдори
1.	Тангриев Санжар Шамсикулович	Давлат Активларини Бошқариш Агентлиги, 461610 дона, 33,15 %
2.	Нигматов Сарвар Анвар ўгли	Давлат Активларини Бошқариш Агентлиги, 461610 дона, 33,15 %
3.	Сирожитдинов Хабиб Камилович	Давлат Активларини Бошқариш Агентлиги, 461610 дона, 33,15 %
4.	Каримов Ахмадилло Ибрагимович	Давлат Активларини Бошқариш Агентлиги, 461610 дона, 33,15 %
5.	Юнусов Элдор Нуруллаевич	ИП ООО «Demoret Finance» (акциядор), 568820 дона, 40,85 %
6.	Якубов Мунир Муродович	ИП ООО «Demoret Finance» (акциядор), 568820 дона, 40,85 %
7.	Бабаходжаева Дильноза Батировна	ИП ООО «Demoret Finance» (акциядор), 568820 дона, 40,85 %
8.	Садирдинов Жасур Муроджон ўгли	ИП ООО «Demoret Finance» (акциядор), 568820 дона, 40,85 %
9.	Наров Элбек Ирискулович	ИП ООО «Demoret Finance» (акциядор), 568820 дона, 40,85 %
10.	Арзиев Нодир Тохирович	“OIL WORLD IMPEX” МЧЖ (акциядор), 248560 дона, 17,85 %
11.	Хамроев Акмал Бозорович	“OIL WORLD IMPEX” МЧЖ (акциядор), 248560 дона, 17,85 %

Кун тартибидаги **8-масала** жамиятга сайланаётган бошқаруви таркибига куйидаги номзодларни таклиф этди:

1.	Артиков Кодирбек	Бошқарув раиси
2.	Кенжаев Ихтиёр	Харидлар ва хом-ашё базасини ривожлантириш бўйича директор
3.	Расулхўжаев Бахромхон	Ишлаб чиқариш директори
4.	Бабаджанов Дилшод	Молия ва бухгалтерия хисобилари бўлими бошлиғи

Муҳокамадан сўнг **“жамият бошқарувининг янги таркиби рўйхат бўйича сайлансин”**, деган таклиф овозга кўйилди.

Кун тартибидаги **9-масала** жамият бошқаруви раисини ваколатини узайтириш.

Йиғилиш раиси Д.Т.Тўлқинов жамият бошқарув раиси Артиков Кодирбек Илхамовични ваколатини узайтириш ёки муддатдан олдин тугатиш юзасидан, 2022 йил учун тасдиқланган бизнес-режанинг асосий кўрсаткичлари бажарилмаганлигини инобатга олиб, жамият фаолиятини яхшилаш ҳамда бизнес-режа кўрсаткичларини бажариш шarti билан, ушбу лавозимга танлов ўтказилиб, танлов натижалари навбатдан ташқари умумий йиғилишда кўриб чиқулгунга қадар амалдаги Бошқарув раисини вақтинча вазифасини



бажарувчиси этиб белгиланишини тушунтирди ва йиғилиш қатнашчиларидан бу масалада овоз беришни сўради.

Кун тартибидаги **10– масала** 2023 йилда жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти ташқи аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг миқдорини белгилаш.

Йиғилиш раиси Д.Т.Тўлқинов жамиятнинг 2023 йилдаги молия-хўжалик фаолиятини аудит текширувидан ўтказиш юзасидан қуйидаги аудиторлик ташкилотларидан таклифлар тушганлигини айтиб ўтди:

- “PILLESER” МЧЖ аудиторлик ташкилоти (2021 йил 25 октябрь кунги Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан берилган 1054812-сонли гувоҳномага эга). Бу ташкилот аудиторлик хизматини ўтказиш учун жами – 157 млн.сўм сўмлик тижорат таклифини берган;

- “ASSENT AUDIT INTERNATIONAL” МЧЖ аудиторлик ташкилоти (2021 йил 13 октябрь кунги Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани Давлат хизматлари маркази томонидан берилган 1032370-сонли гувоҳномага эга). Бу ташкилот аудиторлик хизматини ўтказиш учун жами – 140 млн.сўм сўмлик тижорат таклифи берган;

- “TGS-MAGNIT FINANSE” МЧЖ аудиторлик ташкилоти (1998 йил 08 май кунги Тошкент шаҳар Яққасарой тумани Давлат хизматлари маркази томонидан берилган 408148-сонли гувоҳномага эга). Бу ташкилот аудиторлик хизматини ўтказиш учун жами – 100 млн.сўм сўмлик тижорат таклифини берган.

Мажлис раиси йиғилиш қатнашчиларига жамиятнинг 2023 йил фаолиятини аудит текшируви учун тўланадиган ҳақнинг миқдори ва ўз таклифини киритган аудиторлик корхоналар тажрибасини инобатга олиб, кўпчилик акциядорлар ва корхона мутахассисларини фикрларини инобатга олиб 100 млн.сўм тижорат таклифи билан қатнашаётган “TGS-MAGNIT FINANSE” МЧЖ аудиторлик ташкилотини бюллетенда овоз беришларини сўради.

Кун тартибидаги **11–масала** жамиятнинг Корпоратив бошқарув кодекси ҳулосасини хабар бериш шаклини тасдиқлаш.

Йиғилиш раиси Д.Т.Тўлқинов сўз олиб Корпоратив бошқарув кодекси бўйича қисқа тушунтириш берди.

Кодекс АЖ бошқарув органлари ишини самарали ташкил этишнинг муҳим йўналишлари бўйича тавсиялар мажмуасидан иборат эканлиги, Кодекс ҳисобдорлик, очиклик, ҳаққонийлик, юксак ахлоқий тамойилларга риоя этишни ўз ичига олувчи ҳамда АЖни узок муддатли истикболда барқарор ривожлантиришни таъминлашга йўналтирилган тегишли бошқарувнинг асосий принциплари асосида ишлаб чиқилганлиги айтиб ўтилди ва “Кўкон ёғ-мой” АЖда Корпоратив бошқарув кодексини риоя этилиши юзасидан олиб борилган ишлар қониқарли эканлиги, 2023 йил 15-25 май кунлари мустақил баҳоловчи “Mustaqil-M” МЧЖ томонидан 2022 йилда корпоратив кодекс тамойилларига

риоя этилиши юзасидан хулоса олинганлиги ва бу коникарли хулоса эканлигини йиғилиш иштирокчиларига ўқиб эшиттирди, шундан кейин Жамият фаолиятига Корпоратив бошқарув кодекси хулосасини хабар бериш шаклини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани овозга қўйди.

Кун тартибидаги **12-масала** жамиятнинг 2016-2017-2018 йиллар якуни бўйича ҳисобланган дивиденд тўловларини талаб қилиб олинмаган қолдиқ қисмини жамият фойдасига олиш масаласини кўриб чиқиш тўғрисида.

Йиғилиш раиси Д.Т.Тўлқинов жамият акциядорлига жамият акцияларига ҳисобланган дивиденд маблағлари мунтазам берилиб келинаётганини айтиб ўтди. Лекин жамият акцияларига 2016-йил якуни бўйича 323 та акциядорларга тегишли бўлган акцияларга ҳисобланган 6 630 448,14 сўм, 2017-йил якуни бўйича 289 та акциядорларга тегишли бўлган акцияларга ҳисобланган 3 131 623,62 сўм, 2018 йил якуни бўйича 325 та акциядорларга тегишли бўлган акцияларга ҳисобланган 6 483 551,61 сўм дивиденд маблағлари жами: 16 245 623,39 сўм талаб қилиб олинмади. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 51-моддаси 4-бандига асосан “эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивидендлар акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолади” деб белгиланган шундан келиб чиқиб 2016-2017-2018 йиллар учун талаб қилиб олинмаган дивидендларни жамият ихтиёрида қолдириш учун овоз беришларингни сўрайман.

**Йиғилиш раиси** Д.Т.Тўлқинов мазкур масалалар юзасидан киритилган таклифларга бюллетень орқали овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдиришларини сўради. Шундан сўнг овоз бериш бошланди.

Овозларни ҳисоблаш учун 15 минут танаффус эълон қилинди.

*(танаффусдан сўнг)*

Ҳақиқий деб топилган бюллетенлар сони 7 дона, яъни 1 279 090 та овоз.

**Овоз бериш натижалари ҳисобланганда, овозлар қуйидагича тақсимланганлиги маълум бўлди:**

**Кун тартибининг 1-масаласи бўйича:**

“Ёқлайман” – 1 279 090 та, “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

**Кун тартибининг 2-масаласи бўйича:**

“Ёқлайман” – 1 279 090 та, “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” – йўқ.

**Кун тартибининг 3-масаласи бўйича:**



“Ёклайман” – 1 279 090 та, “Қаршилар” – йўк, “Бетарафлар” - йўк.

**Қун тартибининг 4-масаласи бўйича:**

“Ёклайман” – 1 279 090 та, “Қаршилар” – йўк, “Бетарафлар” – йўк.

**Қун тартибининг 5-масаласи бўйича:**

“Ёклайман” – 1 279 090 та, “Қаршилар” – йўк, “Бетарафлар” – йўк.

**Қун тартибининг 6-масаласи бўйича:**

“Ёклайман” – 1 279 090 та, “Қаршилар” – йўк, “Бетарафлар” – йўк.

**Қун тартибининг 7-масаласи бўйича:**

1.	Тангриев Санжар Шамсикулович	1039103 та овоз
2.	Нигматов Сарвар Анвар ўгли	1038833 та овоз
3.	Сирожитдинов Хабиб Камилович	1038833 та овоз
4.	Каримов Ахмадилло Ибрагимович	1038623 та овоз
5.	Юнусов Элдор Нуруллаевич	1279845 та овоз
6.	Якубов Мунир Муродович	1279845 та овоз
7.	Бабаходжаева Дильноза Батировна	1279845 та овоз
8.	Садирдинов Жасур Муроджон ўгли	Овоз йўк
9.	Наров Элбек Ирискулович	1279845 та овоз
10.	Арзиев Нодир Тоҳирович	1118520 та овоз
11.	Хамроев Акмал Бозорович	1118520 та овоз

**Қун тартибининг 8-масаласи бўйича:**

“Ёклайман” – 1 279 090 та, “Қаршилар” – йўк, “Бетарафлар” – йўк.

**Қун тартибининг 9-масаласи бўйича:**

“Ёклайман” – 1 279 090 та, “Қаршилар” – йўк, “Бетарафлар” – йўк.

**Қун тартибининг 10-масаласи бўйича:**

- “PILLESER” МЧЖ

“Ёклайман” – йўк, “Қаршилар” – йўк, “Бетарафлар” – йўк.

- “ASSENT AUDIT INTERNATIONAL” МЧЖ

“Ёклайман” – йўк, “Қаршилар” – йўк, “Бетарафлар” - йўк.

- “TGS-MAGNIT FINANSE” МЧЖ

“Ёклайман” – 1 279 090 та, “Қаршилар” – йўк, “Бетарафлар” – йўк.

**Қун тартибининг 11-масаласи бўйича:**

“Ёқлайман” – 1 279 090 та, “Қаршилар” – йўк, “Бетарафлар” – йўк.

**Куи тартибининг 12-масаласи бўйича:**

“Ёқлайман” – 1 279 090 та, “Қаршилар” – йўк, “Бетарафлар” – йўк.

**Йиғилиш раиси** санок комиссиясининг баённомаларини инобатга олишни сўради.

“Ёқлайман” – 100,0 %, “Қаршилар” – йўк, “Бетарафлар” – йўк.

Йиғилиш раиси акциядорлардан йиғилишни олиб бориш юзасидан таклиф ва мулоҳазаларни сўради. Таклифлар тушмади.

Шу билан умумий йиғилиш ўз ишини тамомлади. Йиғилиш сўнгида,

**“ҚЎҚОН ЁҒ-МОЙ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИЛЛИК УМУМИЙ  
ЙИҒИЛИШИ ҚУЙИДАГИЧА**

**Қ А Р О Р К И Л А Д И:**

1. 2022 йилда жамиятда корпоратив бошқарув тамойилларига риоя қилиниши юзасидан Кузатув кенгашининг ҳисоботи ва қабул қилинган қарорлари тасдиқлансин.

2. 2022 йилда жамият бизнес-режасининг бажарилиши ва молия-хўжалик фаолияти натижалари юзасидан жамият бошқарув раисининг ҳисоботи тасдиқлансин.

3. 2022 йил якуни бўйича жамиятнинг бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоб варағи аудиторлик ташкилоти хулосасига асосан ўзгартирилган ҳолда тасдиқлансин.

4. Ташки аудитор «MUSTAQIL-M» МЧЖ ҳисоботи ва хулосаси тасдиқлансин.

5. 2022 йил якуни бўйича жамият соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

Т/б №	Кўрсаткичлар номи	Акциялар сони	1 дона акцияга ҳисобланган дивид. суммаси	Жами ҳисобланган дивиденд суммаси (сўм)	Соф Фойданинг фонд кесимида %
-------	-------------------	---------------	---	---	-------------------------------



1.	Дивиденд тўловига-жами булиб:	Жами: 1 392 490 Оддий акция - 1 390 430 дона Имтиёзли акция -2060 дона	Ҳар бир оддий акция учун 0,00 сўмдан ва ҳар бир имтиёзли акция учун 794,00 сўмдан.	1 635 640	-
2.	КК, ТК ва ИО ни рағбатланти- ришга	-	-	-	-
3.	Корхонани ривожланти- ришга	-	-	-	-
<b>Ж А М И:</b>		<b>1 392 490</b>	<b>-</b>	<b>1 635 640</b>	<b>-</b>

6. 2022 йил учун жамият Бизнес-режаси ҳамда даромад ва харажатлар сметаси тасдиқлансин.

7. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари қуйидагича сайлансин:

Тангриев Санжар Шамсиқулович, Ниғматов Сарвар Анвар ўғли, Сирожитдинов Хабиб Камилович, Юнусов Элдор Нуруллаевич, Якубов Мунир Муродович, Бабаходжаева Дильноза Батировна, Наров Элбек Ирискулович, Арзиев Нодир Тохирович, Хамроев Акмал Бозорович.

8. Жамият бошқарув аъзолари қуйидагича сайлаш:

Жамият бошқарувининг янги таркибини навбатдаги кузатув кенгаши мажлисида кўриб чиқилиши учун сайлаш (раисдан ташқари) қолдирилсин.

9. Жамият бошқарув раиси Артиков Кодирбек Илхамовични ваколатини узайтириш ёки муддатдан олдин тугатиш юзасидан, 2022 йил учун тасдиқланган бизнес-режанинг асосий кўрсаткичлари бажарилмаганлигини инобатга олиб, жамият фаолиятини яхшилаш ҳамда бизнес-режа кўрсаткичларини бажариш шarti билан, ушбу лавозимга танлов ўтказилиб, танлов натижалари навбатдан ташқари умумий йиғилишда кўриб чиқулгунга қадар амалдаги Бошқарув раисини вақтинча вазифасини бажарувчиси этиб белгилансин.

10. Жамиятнинг 2023 йил молия-хўжалик фаолияти учун ташқи аудиторлик ташкилоти "TGS-MAGNIT FINANSE" МЧЖ тасдиқлансин ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг миқдорини 100 млн.сўм тиждорат таклифини 50 млн.сўмга тушириш шarti билан белгилансин.


11. Жамиятда Корпоратив бошқарув кодексини риюя этилиши юзасидан олиб борилган ишлар 2023 йил 15-25 май кунлари мустақил баҳоловчи "Mustaqil-M" МЧЖ томонидан 2022 йилда корпоратив кодекс тамойилларига

риоя этилиши юзасидан қоникарли хулосасини хабар бериш шакли тасдиқлансин.

12. 2016-2017-2018 йиллар жамият акцияларига ҳисобланган ва талаб қилиб олинмаган дивидендларни жамият Ижроия Органи томонидан 2016-йил якуни бўйича 323 та акциядорларга тегишли бўлган акцияларга ҳисобланган 6 630 448,14 сўм, 2017-йил якуни бўйича 289 та акциядорларга тегишли бўлган акцияларга ҳисобланган 3 131 623,62 сўм ва 2018 йил якуни бўйича 325 та акциядорларга тегишли бўлган акцияларга ҳисобланган 6 483 551,61 сўм дивиденд маблағлари жами: 16 245 623,39 сўм жадвал асосида тақдим этилган иловаларга мувофиқ жамият ихтиёрида олиб қолинсин.

**Йиғилиш раиси,**

**Давлат Активларини Бошқариш  
Агентлиги ишончли вакили**



**Д.Т. Тўлкинов**

**Йиғилиш котибаси**



**Г.П. Эргашева**

*Баённома 05.07.2023 йил кuni икки нусхада расмийлаштирилди.*